


“ФАРҒОНА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ХУДУДИЙ КОРХОНАСИ” АЖ

Тошлок туман ЭТК



Юридик истеъмолчилар учун электр
таъминоти

ШАРТНОМАСИ

420034

2022 йил

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 28 01

420031-сон

Тошлок ТЭТК
Т(Ш)ЭТК номи

НИЗОМ асосида фаолият юритувчи
Тошлок туман электр таъминоти корхонаси
(туман(шахар) электр таъминоти корхонасининг номи)

раҳбари А.Кодиров (кейинги ўринларда
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда **НИЗОМ** асосида фаолият юритувчи
Тошлок туман ирригация бўлими
(истеъмолчининг номи)

Раҳбари Утамбаев Алишер Сулейманович (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб
аталади), (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

хисоб рақами – иккинчи томондан мазкур
шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади)
мувофик, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини
уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун
ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 7998 кВт.с. реактив _____ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий
нарни 3599100 (уч миллион беш юз тўқсон тўққиз минг бир юз) сўмни, тариф бўйича
450 ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми
ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори
ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари
асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (майший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини
хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари
истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий
электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади,
пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки аҳолига
тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет
ташкilotлари, сув таъминоти ташкilotлари, фермер хўжаликлари ва сув
истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан
молиялаштирилладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-
китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш оркали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарх шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан факсимил, электрон ёки почта алоқаси оркали ҳар ойнинг “_____” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминот шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

3.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланганҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовути ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади”.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчила ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камид

5 кун олдин билдирги тартибида Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнанинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан Электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар қўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

(6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирди)

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир қисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий

4

миқдорига нисбатан ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил.электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоклари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифи устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўли истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган де ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умуми миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

5

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тулов талабномаси куйиш йули билан, ҳамда би томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундурувга қаратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солиқ хизмати органлари тақдим этишга ҳақли.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакиллари ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсади

уларнинг ишлашига ташқаридан аралаштириш ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний ураниш, талон-тарож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишни бошқа ҳолатлари аниқланганда;

шартнома, электр таъминоти лойихаси ва техник шартлар мавжуд булмаганда;

электр таъминот лойихаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Бюро ва электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчининг ҳақиқатдан қарздорликлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртас

тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асосан;

6

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табiiй газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва сураётган қушимча миқдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган бўлиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

7

эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга кура кучиб кетган такдирда, бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭЭХНАТ (АЙСКУЭ) тизимини барқарор доимий ишлаб туришини таъминлаш; энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «СМС» орқали юборилган хабарнома оғохлантириш хатларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарур ҳолда дархо энерготаяминот корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг бириктирилган телефон рақами (боғланиш нуктаси)га шунингдек бошқа бирон реквизитлар узгарган ҳолда ҳолда истеъмолчи дарҳол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Бюро ва «Ўзэнергоинспекция» қонуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва ёки Корхона вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечириши белгиланган тартибда руҳсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманом бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмур биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, уз электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдор энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юқламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар мазкур Қоидаларнинг 127-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш умумий ишлаб чиқариш ва технологик; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ойлик — уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асос ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш

8

заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрлар

келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

махсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр хужалиги объектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб булмайдиган чоралар қилиш зарур бўлганда истеъмолчини огоҳлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозлиқларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

9

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчилиққа мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий

электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармаган туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч холатлари ҳамда фавкулотда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлиқ булмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чеклашлар киритилганда, "электр қурилмаларини тузилиши қоидалари"нинг 1.2.18, 1.2.19, 1.2.20 бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талаблари бажарилмаганда) ҳолда истеъмолчиларда киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чиқадиган низолар буйича истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, низо Иқтисодий судда белгиланган тартибда ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2024 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан қуч қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бек қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бири сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари уни ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўза-ўзига ҳисоб-китоб қилиши шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзилиши равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилган ва томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирликнинг Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясини фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Тошлок туман Лукмонов кўчаси 1 уй

Ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 207263802

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилдиган Истеъмомчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисоб рақами 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 207263802

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисоб рақами 100022860302277042402170001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 201122919

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: _____ Факс: _____ e.meil: _____

(Истеъмомчилнинг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)

Кадастр№ _____

Статистик кодлар:

ОКЭД _____

СООГУ _____

СОАТО _____

КФС _____

КОПФ _____

ОКПО _____

КОРХОНА:

Почта манзили Тошлок туман Янгийул мфй Янгийул кишлоги

Ҳисобрақами 22636000300215289462

Банк коди (МФО) 00494 Саноат курилиш банк Фаргона филиали (ИНН) 200144930

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 73-238-22-16 Факс: _____

Статистик кодлар:

СООГУ 01013

СОАТО 1730227

Истеъмомчи:

А. Тамбаев

М.У. илзо, лавозими, Ф.И.О.



Корхона:

А. Кодиров

М.У. илзо, лавозими, Ф.И.О.



Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи _____ II _____
2. Фаолият тури _____
3. “Истеъмолчи” электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ 35,0 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____ III
6. Ҳисоб-китоб тури: _____

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклиен ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Йил, жами	7998				
Январ	2666				
Феврал	2666				
Март	2666				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

5. Ташкилот кунига ишлайди _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I _____, II _____, III _____



Истеъмолчи

 А. Утамбасв
 (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Корхона




0

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеъмолчи”нинг (суб“Истеъмолчи”нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори раками	Ҳисобга олиш прибори клемма копкоғидаги пломбанинг раками		Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициентлари		Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
			Корхонанинг	Бюронинг	Ток	Кучланиш		
Заркент г/участкаси	995-28	788964					49500	450
	СА4У-704	509921						5620
Янги Фарғона г/участкаси	995-284	698759					12000	450
Идора	Меркур 230	25506107					42876	450
ЖФК г/участкаси	СЕ-101	100112671					3220	450
	СЕ-101	009470106387484					3383	450

Имзолар:


Истеъмолчи:



А. Утамбаев

(Имзо)

Корхона:



М.У.

(Имзо)

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар-бир электр хисоблагич учун алоҳида 3- ва 4-иловалар тузилади

Хисоблагич № _____ т/ток _____ кучлашиш _____ коэффициент _____ уланган қуввати _____ кв
Хисоблагичдан ўрнатилган манзил: _____
шаҳар, қфй, мфй, куча уй № _____

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____
Труба ишл. чик, Шлакблок, Фишт, Пленка ишл чик, Акфа цехи, Насос, Савдо, Кафе, Оиҳона, Устахона ва...

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____ 1-55м ФВВГ-4х35мм² 0,4 кВ КЛ _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № _____, _____ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____ п/ст. Ахшак ф. АТП хаво узатмасидаги ТП-273 180 кВа дан чиқувчи 0,4 кВ ХЛ таянч изоляторига уланган жойидан бошлаб аникланади


3. Улардан қуйидагиларга:

а) _____ 1-55м АВВГ-4х35мм² _____ 0,4 кВ КЛ 0,4кВ ТШ ва барча ички электр жихозларига _____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан _____ хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: 1-б: 2.3.а бандларида кўрсатилган.



Истеъмолчи

М. Ҳ.

Корхона



Вакиллар:

_____ (имзо)

А. Утамбаев
(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____ ;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади


Имзолар:

Истеъмолчи:



М.Ў. (Имзо)

Корхона:



М.Ў. (Имзо)

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташилотлар уланиш вақтларини тўлдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иктисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иктисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иктисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу даврида актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий қийматининг амалдаги миқдори истисно қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги миқдори бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иктисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истисно қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар қўйилган ҳолда тарифга жарима саналмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив ва истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қўрилган ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган норматив нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилган нисбатан истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилган бўлганда тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкларидан реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкларидан соатларида энергия тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимида ишлаш Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тариф миқдоридан белгиланади.

Истеъмолчи:



М.Ў.



Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____

_____ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгиш, заҳарланиши ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт

II босқич _____ кВт

III босқич _____ кВт

IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин це

3. хлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари шунинг тўхташига, иситиши тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёриткичлари юкланиши остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига қирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).



Истеъмолчи:


М.Ў. (Имзо)

Имзолар:

Корхона:

М.Ў. (Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига



**Энергия таъминоти ташкилоти тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларининг урнатилган қуввати тугрисида
МАЪЛУМОТ**

А. Трансформаторлар

Трасформаторларни урнатиш жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вақтида урғача юклама (кВт ёки А)
	Тури	Қуввати (кВА)	Қучланиши (кВ)	Ток (А)	Қиска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

Б. Бошқа ток қабул қилувчилар

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришни ёритиш		Изох
Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	Сони (дона)	Қуввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежамкор (кВт)	

В. Узга субабонент истеъмолчилар

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгоҳи	Ўрнатилган қуввати (кВт, кВА)	Электр хисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сум/кВт.с учун	Изох

Имзолар:

Истеъмолчи:

М/Ҳ. (Имзо)



Қорхона:

(Имзо)



Toshloq tumani Irrigatsiya bo`limi hamda Toshloq tumani elektr tarmoqlari korxonasi o`rtasida elektr ta`minoti to`g`risidagi shartnomaga

YURIDIK XULOSA

Shartnoma miqdori: **3 599 100** (uch million besh yuz to`qson to`qqiz ming bir yuz) so`m.

Toshloq tumani Yuridik xizmat ko`rsatish markazi bosh yuristkonsulti J.Nazarov yuqoridagi shartnoma yuzasidan xuquqiy ekspertiza o`tkazdim. Huquqiy ekspertiza O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunning 21-moddasiga asosan o`tkazildi.

Shartnomada ko`rsatilgan munosabatlarning amaldagi qonun normalari talablariga mos kelishi, shartnoma shartlarining qonun xujjatlari talablariga mos kelishi, shartnoma bo`yicha taraflarning javobgarligi me`yori va nizolarni hal etish tartibi qonun xujjatlari talablariga mos kelishi huquqiy ekspertizaning predmeti xisoblanadi.

Huquqiy ekspertiza o`tkazilayotgan vaqtda O`zbekiston Respublikasining amalda bo`lgan hamda yuridik xizmat uchun foydalanish mumkin bo`lgan barcha qonun xujjatlari o`rganib chiqildi.

Huquqiy ekspertiza natijasida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma ko`rsatilgan munosabatlar O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonuni xamda O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi.

Shartnoma shartlari O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunning 6,7,15-moddalari hamda O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 353-385-moddalari talablariga mos keladi.

Shartnoma bo`yicha taraflarning javobgarligi me`yori va nizolarni hal etish tartibi O`zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo`jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy xuquqiy bazasi to`g`risida"gi Qonunning 24-moddalari hamda O`zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339-moddalari talablariga mos keladi.

Yuqoridagilarga asosan, mazkur shartnoma qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Toshloq tumani Yuridik xizmat markazi bosh yuristkonsulti:



J.Nazarov